

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 34 (9.837)

2003 йил 19 ФЕВРАЛЬ

Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ

2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2002 йилда иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш йўли изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилди. Натижда:

кўп уқладли иқтисодиёт фаол шакллантирилмоқда, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, хусусий сектор улушини кўпайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди;

ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 104,2 фоизни, sanoatda 108,5 фоизни, қишлоқ хўжалигида 106,1 фоизни, чакана товар айланмаси 101,7 фоизни ва аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш 108,3 фоизни ташкил қилди. Аҳолининг ўртача жон бошига даромадлари 12,6 фоизга ўсди. Ташқи савдода 276,4 миллион АҚШ доллари миқдорига ижобий салдога эришилди;

қатъий пул-кредит сиёсати ўтказилиши ҳисобида инфляциянинг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,6 фоиз даражасигача камайди, пул массасининг ўсиш суръатлари пайсаси, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,8 фоиз миқдорига тақчиллик билан ижро этилди;

иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларига инвестиция жалб этиш сиёсати изчиллик билан ўтказилмоқда, юқори технологияларга асосланган ва рақобатбардошли маҳсулот чиқарувчи ишлаб чиқаришлар ишга туширилди;

иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, таркибий ўзгартириш ва тугатиш чора-тадбирлари таъминланмоқда. 304 корхона зарар кўриб ишлаш ҳолатидан чиқарилди, 154 корхона бўйича турли банкротлик тартиботлари амалга оширилди;

давлат ва назорат органларининг корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятига аралашishi камайишмоқда;

корхоналарнинг биржадан ташқари валюта бозорига кириб бориши анча эркинлаштирилди, юридик шахслар учун хорижий валютани конвертациялаш ва сотиб олиш тартиби бирмунча соддалаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада ислохотлар йўлида тўсиқ бўлаётган хал қилинмаган масалалар ва муаммолар мавжудлигича қолмоқда.

Иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари ва соҳаларида — қишлоқ хўжалигида, капитал қурилишида, коммунал хизмат кўрсатишида ва умуман иқтисодиётда иқтисодий ислохотлар пала-партишлик билан амалга оширилмоқда, хали мантйқий якунига етказилмаган, бу эса амалда кўрилатган чора-тадбирлар самарасини пайсатирилмоқда.


Хусусийлаштириш кўп ҳолларда расмиятчилик билан амалга оширилмоқда. Корпоратив бошқариш принципларига риоя этилмапти. Уюшма ва компаниялар корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятига ҳамон аралашмоқда, турлича тартибга солиш ишларини давом эттиришмоқда.

Кўпгина корхоналар бозор шароитларида ва талабларига ниҳоятда суस्तлашган билан муслашмоқда. Паст сифатли, талаб катта бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқариш давом этмоқда, бир қанча тармоқларда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналар улуши юқорилигича қолмоқда.

Ички бозорни сифатли, энг аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг истеъмол товарлари билан тўндириш ниҳоятда қониқарсиз таъминланмоқда, улгуржи ва чакана савдо тизими суст ташкил этилган, товарларнинг республика бозорларига ноқонуний, контрабанда йўли билан кириб келиши ҳолларига барҳам берилмаган.

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари минтакаларда, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида иқтисодий ислохотлар якунларини танқидий кўриб чиқинлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузасида кўйилган вазифаларни рўбга чиқариш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқишлирини таъминласинлар.

(Давоми 2-бетда)



«Анат» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган шифобахш салқин ичимликларнинг харидорлари кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу сабабдан корхона олдига кўйган режаларини бажариб, фаолиятини янада такомиллаштирмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиси Раъно Шарипова иш устида.

Сергей Любич олган сурат.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни Янгиликлар, воқеалар

Қисқаларда

□ **Бугун** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан олий ўқув юрларидаги «Камолот» бошланғич ташкилоти етакчилари учун ўқув-семинари бўлиб ўтди. Семинар иштирокчиларининг эътибори бугунги кун талабларининг муаммоларини бартараф этиш, истеъдодли, иқтидорли талабаларни янада қўллаб-қувватлашга қаратилди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясининг тарих инсти-

туту олимлари томонидан

2002 йилда яратилган илмий

нашрларнинг тақдимот маро-

симси бўлиб ўтди.

□ **ШУНИНГДЕК**, Жаҳон

иқтисодиёти ва дипломатия

университети олимлари та-

шаббуси билан шахримизда

«Мустақил Ўзбекистон» но-

мили илмий-оммабоп луғат рус

ва ўзбек тилларида нашрдан

чиқди. Тез кунларда ушбу ки-

тобининг инглиз тилидаги нус-

хаси ҳам китобхонлар қўлига

етиб боради.

Тошкент шаҳар ҳоким-

лиги Матбуот хизмати ва ўз

муҳбирларимиз хабарла-

ридан.

Телефон орқали жаҳонга

Маълумки, юртимизда бир неча минглаб хорижлик фуқаролар истиқомат қилади. Шунингдек, юртдошларимиз ҳам қатор хорижий давлатларда фаолият олиб боришаётир. Бу эса халқаро сўзлашувга булган талабни кундан-кунга оширади. Бу иш билан асosan «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси шуғулланиб келаётган эди. Эндиликда Тошкент телеграф-телефон станциясида халқаро сўзлашув шохбчаси ва Интернет тармоғи очилди.

«Туркистон-пресс»

XXI саҳоси

Барча манбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Атроф-муҳит ва табиати муҳофазаси қилиш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Фарғона вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама этилди.

● **Кеча** Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг талабалар уйида ўтказилган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида сўз борди.

● Журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро марказида Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Петер Юза иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу учрашув мамлакатимизга Словакия Республикаси Президентининг бўлажак ташрифи муносабати билан уюштирилди.

● Фарғона вилоятида салқин ва спиртли ичимликларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Фар-Из» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси маҳсулот чиқара бошлади. Қўшма корхона бир соатда 3 минг шишагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

● Жиззах шаҳрида телефон алоқа тармоғи етти рақамли тизимга ўтказилди. Натижда алоқа сифати сезиларли даражада яхшиланди.

● Нуробод туманидаги Кечкелдик қишлоғида 240 ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

● **Бугун** республикамиз пойтахтида ҳаво очилиб турди. Кундузи харорат 5-7 даража илқ бўлди.



Жаҳонда

● Европа Иттифоқига аъзо давлатлар раҳбарларининг Брюссель шаҳрида ўтказилган саммитида Иттифокнинг Ирок муаммосида тутган ўрни ва Яқин Шарқда тинчликни ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди.

● **Кеча** Москвада Россияда Қозғоғистон йилининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда ҳар иккала мамлакат Президентлари — В. Путин ва Н. Назарбоевлар иштирок этди.

● Жанубий Кореянинг энг йирик шаҳарларидан бири — Тэгудаги метрода террорчилик ҳаракати содир этилди. Кучли ёнғин натижасида 50 дан ортқ киши ҳаётдан кўз юмди.

● Таиланд бош вазири Таксин Чинаватнинг буйруғига кўра 1 февралдан бошлаб май ойига қадар мамлакатни гивъандлик савдоси билан шуғулланадиганлардан тозалаш ишлари ўтказилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг

ҚАРОРИ

2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов маърузасида баён қилинган талаблардан келиб чиққан ҳолда куйидагилар ҳал этилиши учун 2003 йилда саноат-хўжалик ва ресурслар жамланган, иқтисодий янада эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги палатпартишликни тугатиш ва биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётига ҳусурий секторнинг ролини кучайтириш; ҳусурийлаштиришда расмиятчиликдан реал ҳусурийлаштиришга ўтиш, ҳусурийлаштирилган корхоналарнинг устав сармоясида давлатнинг улушини тубдан қисқартириш, бошқарувнинг корпоратив тизимини мустаҳкамлаш, акциялаштирилган жамиятни бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш, ҳўжалик бирлашмаларининг, корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашини тугатиш;

қишлоқда бозор муносабатларини чуқур жорий этиш, бозор ҳусурийга эга бўлган ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг эркинлигини чекламайдиган принципий жиҳатдан янги баҳолаш мезонларига ўтиш, қишлоқ ҳўжалигини бошқариш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш;

иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсишини таъминлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, инфляция даражасини кескин қисқартириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

солиқ-бюджет соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш, давлат харажатларини сарфлаш механизмини мақбуллаштиришдан ҳолда уларни қисқартириш;

республика ҳудудига истеъмол товарлари ноқонуний, контрабанда йўли билан олиб келинишига йўл қўймай, товарларни республикада ишлаб чиқиш кенгайтирилишини рағбатлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва шу асосда ички истеъмол бозори тўлиқлигини таъминлаш, савдон ташкил этиш тизимини такомиллаштириш;

валюта бозорини янада эркинлаштириш, жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертациялашини таъминлаш;

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг давом эттириш, ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касб маҳоратини ўстиришнинг рағбатлантириш бўйича яхлит тизимни яратиш;

қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий ночор табакларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, «Обод маҳалла йули» ва бошқа дастурларни рўйга чиқариш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг таъминчанлигини ва аниқ тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш.

4. Давлат мулки қўмитаси (Аскарлов), бошқарувнинг тармоқ органлари раҳбарларининг эътибори ҳусурийлаштиришдан кейинги даврда корхоналар фаолияти, давлат мулкидан фойдаланиш самардорлиги устидан зарур назоратнинг мавжуд эмаслиги, корхоналарни акциялаштириш жараёнларига инвесторларни жалб этиш, акцияларни давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларида давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларни танлаш ишларининг сулғимига қаратилсин.

Ҳусурийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия (Азимов), Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлари ва идоралар билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётига ҳусурий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармони талабларини амалга ошириш юзасидан комплекс амалий чора-тадбирлар қўрилишини;

ҳусурийлаштирилган корхоналар, акцияларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари, ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакиллари фаолияти устидан 2003 йилнинг биринчи чорадаги мониторинг тизими жорий этилишини;

қимматли қозғолар билан битишувлар фақат уюшган фонд бозорида тузилишини, савдоларнинг ошқоралиги ва қўлайлигини назарда тутган ҳолда қимматли қозғолар иккиламчи бозорини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласинлар.

Амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида 2003 йил 1 ярим йиллиги якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

5. Адлия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта мuddатда Вазирлар Маҳкамасига акцияларнинг давлатга тегишли пакетларини ҳўжалик бирлашмаларининг ишончли бошқарувчилари бериш амалиётини бекор қилувчи, ишончли бошқарувчиларни тайинлаш тартибини ва уларнинг масъулиятини аниқ тартибга солувчи, ҳусурийлаштирилган корхонани корпоратив бошқариш механизмининг аниқ регламентловчи қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси (Саидова):

Олий ҳўжалик суди (Абдусаломов) билан биргаликда Иқтисодий ночор ва зарар қўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш ҳамда таркибий ўзгаришни бўйича қабул қилинган дастурни сўзсиз бажариш, иқтисодиётнинг реал секторларида молиявий аҳолини соғломлаштириш ишларини фаолаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Мо-

лия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги ҳокимият органлари балансида бериш ва тасдиқланган таркибий ўзгаришнинг дастурига эга бўлган корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватларини консервация қилиш, шунингдек зарар қўриб ишлаётган ҳусурийлаштирилган корхоналар мол-мулкни баҳолаш механизмининг такомиллаштириш юзасидан бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига Ҳуқумат қарори лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан олган ҳолда, бир ой мuddатда шартномалар тузилиши ва аниқ субъектлар — қишлоқ ҳўжалиги махсусоти ишлаб чиқарувчилар ва қишлоққа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида мажбуриятларга риоя этилиши ҳолати устидан пухта текшириб борувчи аниқ механизм барпо этилишини, уларнинг бажарилиши учун масъулият оширилишини назарда тутган ҳолда қишлоқ ҳўжалиги махсусотлари етказиб бериш юзасидан амалдаги намунавий шартномаларга ўзгаришлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари барча даражада шартномаларнинг сифати ва тузилган шартномаларнинг мажбурий бажарилиши устидан назоратни кучайтирсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги мавсум оралиғидаги даврда агротехника ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга доир илгор тажрибани ўрганиш учун фермерларни хорижий мамлакатларга юборишни амалда кенг қўласин.

9. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига паррандачиликни ривожлантириш янада жадаллаштириш юзасидан Ҳуқумат қарори лойиҳасини киритсин, тармоқ корхоналарининг худудлар бўйича оқилона жойлаштирилишини, озуқа базасини мустаҳкамлашни ва махсусот етиштириш ҳажмини қўлайитириш назарда тутсин.

10. Молия вазирлиги М.Нуруллоев бончилиғидаги махсус комиссия жорий йилнинг 15 апрелгача қурилиш қиймати ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур ўрганиб чиқсин, ўтказилаётган танлов савдолари натижаларини, қурилиш материаллари ва асбоб-усуналарни харид қилишнинг шакланган тизимини танқидий баҳолаш ҳамда ушбу масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

11. «Давриятектурилиш» қўмитаси (Тохтаев), «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси (Акрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тендер савдолари расмиятчилик билан ўтказилишини бартаф этишда, пудрат ишлари бозорини яратишда, нархларни шакллантириш тизимини, асортиментни янгилашда, махсусотнинг импортнинг ўрнини босувчи турларини ишлаб чиқаришни қўлайитиришда ижобий силжиларнинг мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (К.Тулаганов) бир ой мuddатда капитал қурилишдаги ишларнинг аҳолини тубдан ўзгариш юзасидан Ҳуқумат қарори лойиҳасини киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2003-2005 йилларда қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурининг мўлжалланган параметрларини танқидий қайта қўриб чиқсин ҳамда аниқ газ ва сув қувурлари тармоқлари билан таъминланганлик даражаси паст минтақаларда уларни ишга туширишни жадаллаштириш юзасидан реал молиявий манбалар билан таъминланган қўшимча чора-тадбирлар қўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги 1991 йилгача қурилган кўп квартиралли уйлари мукамал таъмирлаш бўйича йўл қўйилган қоқоқликни тўлдирини ҳисобга олган ҳолда 2003 йил учун тасдиқланган жадалнинг, уй-жой фондини табиий газ ва сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш бўйича топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республикага истеъмол товарларининг ноқонуний, контрабанда йўли билан олиб келинишининг олдини олиш масалалари бўйича Давлат божхона қўмитаси бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтирсинлар.

15. Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича улгуржи ва чакана савдон тартибга солишга, республика ҳудудига улгуржи базалар, дўконлар, умумий овқатланиш ва машиий хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини ривожлантиришга қаратилган қабул қилинган Ҳуқумат қарорлари бажарилишини қўриб чиқсин ҳамда зарурат бўлганда тегишли тузатишлар киритсин.

16. Қуйидагиларнинг: «Қумир» акциядорлик бирлашмаси (Клименко), «Махсусқотишма» республика ташкилоти (Шарипов), «Ўзашсанот» уюшмаси (Набиев), «Ўзимсанот» (Хасанов), «Ўзбекнефтогаз» (Мажитов), «Ўзбекнефтосанот» (Исmoilов) компаниялари раҳбарларининг эътибори — корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда ташибускорлик ва тадбиркорликнинг йўқлиги, экспорт-

га махсусот етказиб бериш прогноз ҳажмлари таъминланмаганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси (Тангирберганов), Андижон (Обидов), Бухоро (Хусенов), Наманган (Жабборов), Самарқанд (Мирзиёев), Тошкент (Мирзақулов), Фарғона (Отабоев) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (Шоабдурахмонов) ҳокимларининг эътибори — коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш, қарларни камайтириш ишларининг етарли эмаслигига қаратилсин.

Қўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 2003 йил биринчи ярим йиллиғидаги иш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

17. Икки ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги У.Султонов бошлиқлида республикада қадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг яхлит тизимини барпо этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этилсин. Ушбу комиссия таркибига ўз ҳодимлари малакасини оширишдан бевосита манфаатдор бўлган уюшмалар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, бошқа ҳўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг, шунингдек қадрлар малакасини ошириш ва уларни ўқитиш жараёнини ташкил этишни таъминлаш мумкин бўлган ташкилотларнинг вакиллари киритилсин.

Комиссия: икки ой мuddатда қадрлар, энг аввало ишчи қадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоғини барпо этиш ва унинг самарали ишлаши юзасидан аниқ дастурни ишлаб чиқсин;

қадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига Ўзбекистонда ҳозир бўлган йирик хорижий компанияларни ҳамда бошқа хорижий шерикларнинг, шунингдек халқаро молиявий тузилмаларнинг грантлари ва техник ёрдамини жалб этиш юзасидан фаол иш олиб бурсин.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2003 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ахборот берилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат тест маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республика комиссияси ва минтақавий комиссиялар тузинлар ва икки ой мuddатда: махсус ишлаб чиқилган тест дастурлари асосида халқ таълими вилоят бошқармалари, туман ва шаҳар бўлимлари ҳодимларини аттестациядан ўтказсинлар ҳамда аттестация натижаларига қўра уларнинг профессионал таркиби қўлайитирилиши ва контракт асосида янги меҳнат шартномалари тузилишини таъминласинлар;

умумтаълим мактаблари ўқитувчилари таълим ва касб даражасининг ўқитувчиларга қўйилган малака талабларига мувофиқлигини, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши ва касб тайёрлигини оширишлари учун шартшароитлар ва рағбатлар мавжудлигини ўрганиб чиқсинлар. Ҳўрғаниш натижаларига қўра хар бир мактаб, туман ва минтақа бўйича вужудга келган аҳолини яхшилаш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

педагог қадрларнинг асосий фаолияти, қайта тайёрларилдан ва малака оширишдан ўтиши натижаларига қўра уларга тоифалар бериш механизми бўйича таклифлар киритсинлар.

19. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси (Кароматов), Ахборот-таҳлил бошқармаси (Хўжаев), «Узтеле-радио» компанияси (Кўчимов), Матбуот ва ахборот агентлиги (Шогуломов) мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида хилосона, малакали ва чуқур ёритиш мақсадида:

ушбу ишга вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва етакчи мутахассисларни, фан ҳодимларини ва жамоатчилик вакиллари кенг жалб этисинлар;

ижтимоий-иқтисодий муаммоларга иختисослашган журналлар учун мунтазам равишда семинарлар ташкил этисинлар, уларни тегишли статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар билан таъминласинлар.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги (Бегалиев), «Ўзгагромуслуга» уюшмаси (Нисонов), «Ўзқишлоқҳўжаликмуш-ҳолдинг» компанияси (Матчонов) 2003 йил 15 мартгача баҳорги дала ишларини ўтказиш учун зарур бўлган барча қишлоқ ҳўжалиги техникаси, 1 мартгача эса — галла ўрим-йигим комбайнлари ва чорва озуқаси йиғиштириш техникаси тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги экиш мавсуми бошланганга қадар коллектор-дренаж ва сўғиртиш тармоқларини тозалаш ва таъмирлашни, насос станциялари ва гидротехника иншоотларини таъмирлашни тугалласин.

«Узпахсанот» уюшмаси ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ўзани жойлаштиришнинг тасдиқланган схемасига мувофиқ жорий йилнинг 1 мартгача юқори классли уруғлик чигит тайёрлаб қўйилишини ва уларнинг ўз вақтида сифатли дориланишини таъминласинлар.

21. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги У.Султонов зиммасига юклансин.

Ушбу қарорнинг бажарилиши йилнинг хар чорадаги ҳамда 2003 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 февраль.

ДЕМОКРАТИЯ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

6. Қандай йўлни босиб ўтдик?

Президент Ислам Каримовнинг деярли ҳар бир чиқиши амалда мамлакатдаги ислохотлар вазиятини таҳлил этади, муаммоларни ўртага қўяди, уларнинг ечимини кўрсатади ва жамиятни ўзгартиришнинг янги вазибаларини белгилаб беради.

Шу маънода унинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузаси алоҳида аҳамиятга эга. Унда, аввало, мамлакатимизда ислохотлар жараёнининг бориши атрофлича, илмий, асосли таҳлил этилган. Энг муҳими, гадаги режамасадлар, аниқроғи, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Президент Ислам Каримов буюқ тарихий сана – 1991 йилнинг 1 сентябри ҳақида тўхталар экан, «...ҳеч шубҳа йўқки, мана шу улуг сана билан бугунги кунимиз ўртасидаги масофа қанчалик узайса, босиб ўтган йўлимизни ҳолисона ва атрофлича таҳлил қилиш, тегишли хулоса ва сабоқлар чиқаришнинг аҳамияти тобора кучайиб боради»³. Шу маънода айтиладики булса, шу йиллар мобайнида биз қандай ютукка эришдик? Бу саволга жавоб тайин: «Халқимизнинг асрий орзу-умидлари ва интилишларига жавоб берадиган, мамлакатимизга, эртага ўрнимизга келадиган авлодларга улкан имконият ва истиқболлар эшитгани очадиган ҳаётга қадам қўйди».

Ҳаммаиз билмаизки, бу сира ҳам осон кечган эмас. Юртбошимиз Фарғона (1989 йил, май-июнь), Бўка ва Паркент (1990 йил, февраль-март), Уш ва Узган (1990 йил, июнь) воқеаларини, Намангандаги собиқ вилоят ижрокўми биносини эгаллаб олган диний экстремистларнинг қонуний ҳокимиятга қарши тажовузларини (1991 йил, 8 декабрь), собиқ марказ тарбияланган ва тезлаган партия-совет номенклатураси томонидан ташкил қилинган, Олий Совет 7-сессиясида Президентни ағдаришга бўлган уришлар (1991 йил, октябрь), Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида ўзимизнинг фарзандларимизни ёлгон давлат ва чақириқлар билан йўлдан огдириб, уюштирилган тартибсизликлар (1992 йил, 16 январь), ёвуз террорчи кучлар томонидан пойтахтимизда содир этилган портлашлар (1999 йил, 16 февраль), 1999, 2000 ва 2001 йилларнинг ёз ойларида Афғонистон ҳудудида Узига уя қуриб олган халқаро террорчи тўдаларнинг чегараларимиздан бостириб кириб, Ўзбекистон озодлиги ва тинчлигига, чегараларимиз дахлсизлигига қарши ташкил қилинган қуруж ва ҳаракатларни бир-бир эслаб ўтди.

Буларни унуттишга ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Бу фақат тарихни эсдан чиқармаслик, бугуннинг қадрига етиш учунгина эмас, эртанинг тақдирига масъул бўлиш ҳиссини кучайтириш маъносига ҳам жуда керак. Чунки: «Биз яхши тушунамиз – бугун янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлида кўлга киритаётган уюштурулларимизни, амалга ошираётган ишларимизни кўра олмайдиган, юртимизга кўз олайтираётган маълум кучлар ўз қабих ва нопок ниятларидан хали ҳам қайтган эмас».

Юртбошимиз «Ўз уйини ўзинг асра!» ва «Тинчлик учун курашмоқ керак!» деган шiorларни ёдга солар экан, яна бир қарра огоҳликка даъват этди.

7. Ўтиш даврининг қайси босқичидамиз?

Бу саволга жавоб бериш учун аввал бизга эски тузумдан қандай мерос қолганини аниқлаш, сўнг аса шуни аниқлаш, ўзгартириш бўйича амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш керак.

Президент Ислам Каримов маърузасида таъкидлаб ўтилган муҳим ишларни бир-бир кўз олдимишга келтирайлик:

- Одамларимиз үчүн муқаддас бўлган маънавий ва диний қадриятларимизни тиклаш, қўл асрилик олижаноб урф-одатларимиз ва аёнчаларимизга таъйиб иш қўрганимиз учун қаддимизни ростилаш имконига эга бўлди, бу аса халқимизни ет фоялар таъсирига тушиб қолиш хавфидан асради.

- Истиқлолнинг илк кунларидан эски, қотиб қолган мафкуравий ақидалардан воз кетишга, маънавий янгиланишга, одамлар қалби ва онига миллий истиқлол гоёси тамойилларини сингдиришга қаратилган аниқ сиёсат олиб борилди.

- Одамлар турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатлам ва гуруҳларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилган ҳолда, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва фуқаролар тотувлиги сақлаб қолинди.

- Сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларни эркинлаштиришга қаратилган стратегик дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилди. Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилшини демократлаштириш, бозор ислохотларни чуқурлаштириш, хусусий мулкни, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур қафолатларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди.

- Ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди, талай янги қонунлар қабул қилинди, прокуратура устидан ижтимоий назорат кучайтирилиб, унинг айрим ҳуқуқлари чегараланди ва қисқартирилди, бу ҳуқуқларнинг қўлини суд идораларига бериш масалаларига аниқликлар киритилди, ҳокимиятнинг учинчи тармоғи бўлиши суд тизимини мустахкамлаш, судларнинг мустақиллигини кучайтириш борасида мутлақ янги қадамлар қўйилди.

- 2002 йилнинг январида умумхалқ референдуми ўтказилиб, унинг якунлари давлатчилигимиз ривожиди, жамиятнинг демократик янгиланган жараёнида муҳим босқич бўлди.

- Ўзбекистонда ислохотлар энди ҳеч қанча ортга қайтара билмайдиган даражада муқаррар тус олди.

- Кўриниб турибдики, бу ютуқлар амалда Ўзбекистоннинг қиёфасини ҳар тарафлама ўзгартириб, унинг жаҳондаги нуфузини ошириб юборди. Бугун биз дунёда ўз овозига эга бир халққа айландик.

- Бироқ булар Ўзбекистоннинг тараққий толган демократик давлатлардаги каби эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадига етиш йўлида маълум бир бугун ва босқични ташкил этади, холос. Энди навбат – янги босқичга. Юртбошимиз тўғри таъкидлагандек «тараққийнинг ҳар бир босқичи – бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазибалар демакдир».

- Ҳўш, ана шу янги муаммолар нималардан иборат? Уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазибалар қайси нуқталарда аёнлашади?

- Маърузада булар бир-бири таҳлил этилиб, етти устувор йўналиш сифатида белгилаб берилди.

³ «Халқ сўзи», 2002 йил, 30 август. Президент Ислам Каримов маърузасидан. Бундан кейин келтирилдиган барча иқтибослар шу манбадан олинган.

(Давоми келгуси сонда)



«Фотон» акциядорлик жамияти жамоасининг савий-ҳаракатлари, интилишлари самараси ўлароқ йилдан-йилга маъсулот турлари кўпаймоқда.

Сергей Любичи олган сурат.

• АЛОҚА

Янги хизмат жорий этилди

1996 йили ташкил этилган «Sarkor Telekom» компанияси Ўзбекистонда замонавий симсиз тармоқ технологиялари – Radio Ethernetни жорий қилиб, уяли интегратор сифатида ўз фаолиятини бошлаган эди. Компания бугунги кунда тўрт базали станция орқали замонавий симсиз маълумот узатиш хизматини кўрсатиб келмоқда.

Компания ўзининг олти йиллик иш фаолияти давомида замонавий технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланиши натижасида Ўзбекистон ахборот технологиялари ва маълумот узатиш тармоғи соҳасида ўз ўрнига эга бўлди.

2001 йилдан бошлаб «Sarkor Telekom» CISCO Systems технологиялари базасида Интернетга умумий боғлиқ хизматларини кўрсата бошлади ҳамда ўша йили ўтказилган Биринчи республика Интернет фестивалида энг яхши Интернет-провайдер номига лойиқ топилди. Шунингдек, компания 2001 йилнинг ёзидан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва «Ўзбектелеком» АК кўмағида республикада биринчи бўлиб 1 Мбит/сония тезликдаги халқаро канални йўлга қўйди. Декабрь ойига келиб халқаро канал 2 Мбит/сонияга оширилди.

Айни кунда Интернет тармоғига юқори сифатли боғланиш, симсиз уланиш, 3 Мбит/сония тезликдаги халқаро Интернет канали хизматлари ҳамда сифатли сервис ва узлуқсиз техник кўмак хизматларини кўрсатиб келаётган «Sarkor Telekom» компанияси яқин келажакда DSL технологияларини жорий этиш, Тошкент бўйлаб симсиз маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш, сифатли хостинг хизматини жорий қилиш, халқаро каналга киришни икки баравага ошириш, янги тариф режаларни тўзиш ҳамда абонентларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш каби вазибаларни бажаришни режалаштирган.

Яқинда компания пойтахтимизда бутун дунёга машхур ва кенг қўлланилаётган рўйхатга олиш ҳамда Интернет хизмат тўловини амалга оширишда интернет-карта режасидан фойдаланишни татбиқ этди.

Ушбу карта бўйича тўловни амалга ошириш ва рўйхатдан ўтиш фақатгина яқка шахсларга тегишлидир.

Усмонжон Йўлдошев

Шахло ҲОШИМОВА

Долзарб мавзуга бағишланган анжуман

Деҳлида «Халқаро терроризм ва диний экстремизм. Марказий ва Жанубий Осиёга таҳдидлар» мавзусидаги халқаро семинар бўлиб ўтди. У Калькуттадаги Мавлоно Абул Ғалам Озод номли Осиё тадқиқотлари институти томонидан Ҳиндистон Ташқи ишлар ва Маданият вазирилари кўмағида ташкил этилди.

Ушбу семинарда Ҳиндистон, Россия, Хитой, Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган еттакчи сиёсатшунослар, олимлар ҳамда гафсизлик масалалари бўйича мутахассислар иштирок этди.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ҳиндистон Республикаси Бош вазирининг семинар қатнашчиларига табриги ўқиб эшиттирилди.

Семинарда турли мамлакатлардан ташриф буюрган олим ва мутахассисларнинг «Марказий ва Жанубий Осиёда терроризм ва диний экстремизм хаёфи», «Қашмирда диний экстремизм ва терроризм», «Халқаро терроризмга қарши уруш ва Марказий Осиё минакаси гафсизлигига таҳдидларни бартараф этиш йўлидаги ташаббуслар» сингари долзарб мавзуларда қатор маърузалар тингланди. Тадбир иштирокчилари бу борада Ўзбекистоннинг ўрни алоҳида ва муҳим эканини таъкидладилар.

— Халқаро терроризм ва диний экстремизм инсониятнинг бугунги энг долзарб

• БУЊЁДКОРЛИК

«Сифат» лойиҳа қурилиш акциядорлик жамияти тасарруфидидаги «Чидамчилик» махсус қурилиш бошқармаси бунёдкорларнинг пойтахтимизда қад ростлаётган кўркам бинолар қурилишида муносиб ҳиссалари бор.

Чирой очади

— Шахримиз чиройига мос, кўрган кўзларни қувнатадиган, замон талабига жавоб берадиган, халқимизга хизмат қиладиган иншоотларни бунёд этиш асосий вазифамиз ва шу эзгу ният йўлида бугунги кунда жамоамизда 100 нафардан зиёд бунёдкорлар астойдил меҳнат қилмоқда, — дейди бошқарма бошлиғи Евгений Триков. — Жамоамиз қурувчилари 6 та бригадани зид бунёдкорлар астойдил меҳнат қилмоқда, — дейди бошқарма бошлиғи Евгений Триков. — Жамоамиз қурувчилари 6 та бригадани зид бунёдкорлар астойдил меҳнат қилмоқда. Сотволди Қўлиев, Ҳамид Раҳматуллаев, Анатолий Храпов каби ўз касбининг усталари ёш бунёдкорларга ҳам қурувчилик сирларини ўргатишмоқда ва жамоа ютуғига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳозирги кунда ҳамда ахли «Халқлар дўстлиги» саройини қайта таъмирлаш ишларида фаол иштирок этмоқда.

— Ўз вазифамизни тўла адо этиб, бу ердаги қурилиш, таъмирлаш ишларини Наврўз байрамигача якунлашни режалаштирганмиз, — дейди иш юритувчи Анатолий Храпов. — Бир сўз билан айтганда, сарой атрофида бунёдкорлик ишлари қизғин бормоқда. Ҳадемай, бунёдкорлар томонидан қайта таъмирланаётган ушбу бино янада чирой очади.

Шахло ҲОШИМОВА

Шахло ҲОШИМОВА

Ҳаётимиз мезони бўлган Конституциямизнинг 10 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган йиғилишда Юртбошимиз Ислон Каримов Бош Қомусимизнинг мамлакатимиз ҳаётида тутган ўрни, ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият қуришдаги аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапира туриб, 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб аташ ҳақидаги таклифини ўртага ташлаганида ҳаммамиз уни ҳушнудлик билан кутиб олдик. Давлатимиз раҳбари ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида одамларнинг бошини қовуштириш, турар-жойларида аҳилликни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли кундан кунга ошиб бораётганини ҳақида сўзлар экан, жумладан шундай деди: «Аввало шуни айтиш керакки, «обод» деган сўз, «обод маҳалла» деган ибора замирида теран маъно бор. Обод деганда халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва қиройли, шу билан бирга айнан тинчлик ва осейиштаклик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, кут-баракат ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади».

Бу сўзлардан маҳалланинг ҳаётимиздаги оқсак мавқеи, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкамлиги бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучли эканлиги кўриниб турибди.

Шу мақсадда Президентимизнинг 2002 йил 16 декабрдаги Фармойишига асосан «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича ҳайъат тузилди ва устувор йўналишлар белгилаб олинди. Таъкидлаш жоизки, ушбу дастур ўз ичига муҳим йўналишларни қамраб олади. Ҳўш, улар нималардан иборат?

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳалла тизимининг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва ролини аниқ белгилаш, маҳаллада ташиқлий-ҳуқуқий масалаларни такомиллаштириш, маҳалла фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, маҳаллада маънавий-маърифий соҳадаги, ахлоқий тарбия ва миллий анъаналарни мустаҳкамлаш, маҳалланинг молиявий-моддий асосларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Ҳар бир соҳада бўлгани каби, маҳалла фаолиятида ҳам молиявий жиҳат асосий масалаларни ҳал қилувчи омил.

Бугунги кунда бу борада шахримизда бир қатор ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Яъни бу тадбирлар маҳалла, уй-жой мулкдорлар ширкати ва ҳокимликларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатларини белгилаш, миллий анъаналаримиздан келиб чиқиб, маҳаллаларда ободонлаштириш ишларини ўтказиш, маҳалладаги муҳандис-техник коммуникациялар ва кўчалардаги муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш, маҳалла посбонлари фаолиятини йўлга қўйиш ва банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш, маҳалланинг моддий базасини яратиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва бошқа шу каби масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Албатта, бу кенг қўламли вазифаларни бажариш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун тинимсиз ишлаш, изланиш, ўрганиш, ташаббускорлик намуналарини кўрсатмоқ керак. Агарда чинакам обод маҳаллалар тажрибасига назар ташласак, бу ердаги саранжом-сарилталик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик натижаси, ҳашар йўли билан қилинган ишининг самараси эканлигини кўраемиз. Шу ўринда бир намуна алоҳида қайд қилиб ўтишни истардик. Баъзан, боболаримиздан мерос бўлиб қолган ҳашар деган яхши анъанани негадир лоқайдлик кўриниб қолмоқда. Агар шундай бўлмаганида, уйимиз рўпарасида ўзимиз пайдо қилган ахлатхонани йўқотиш учун эътиборли идораларнинг эшигини қоқиб юрмасдик. Ўзимиз яшаётган кўп қаватли уйнинг йўлга суғуриб-сидирилмагани учун фаррошдан ўпкаламасдик. Рўпарамиздаги майдонни обод қилиш учун юқори ташкилотларга дам-бадам илтимосномаларни жўнатмасдик. Наҳотки, 40-50 оила яшаётган уйимиз атрофини обод қилиш учун икки соатлик вақт ажратолмасак. Вақтимиз етарли. Кунт йўқ, ташаббускорлик етишмайди.

Очигини айтишга тўғри келади, ҳали ҳам биз эски тузумдан қолган «бер» дейишга ўрганганимиздан воз кечолмаяпмиз. Энди замон ўзгариб «Мен ўзим нима бераман?» деган саволга ижобий жавоб берадиган вақт аллақачонлар етиб келганини ҳам баъзиларимиз пайқамай қоляпмиз.

Обод маҳалла шундай бўлиши керакки, унга доғ туширадиган биронта

иллат бўлмасин. Биз бу ерда ҳаётимизда учраб турадиган қусурларни бирма-бир санаб ўтмоқчи эмасмиз. Биргина тўй ва маъракаларда бўлаётган дабдабозлик, ким ўзарга ўтказилаётган тадбирларни тилга олсак, кина кифоя. Бу ортиқча харажатлар, манманликлар маҳалланинг бош оғриғи бўлиб қолмоқда.

Маҳалла катта даргоҳ. Ундаги тартиб-қоидага риоя қилмай, тўй-ҳашамларини, яхши-ёмон кунларини ўз билангина ўтказадиган кишилар эл назаридан четда қолади. Зеро, ўзи яшаб турган маҳаллани менсимаслик ўз оиласининг қадрига етмаслик билан баробар. Бу кутлуг даргоҳни идора

ёшлар масалалари хусусида бир қатор ибратли ишлар қилинаётгани ҳар биримизга ян. Лекин, шу билан бирга маълумотларга кўра кўпчилик маҳаллаларда юқоридаги масалалар юзасидан олиб борилаётган ишларни қониқарилиб деб бўлмайди. Хусусан, буни Шайхонтоҳур, Ҳамза, Сергели туманларидаги баъзи маҳаллалар мисолида кўришимиз мумкин. Бу жойларда ўтказилаётган тадбирларда истиқомат қилаётган аҳоли кўпчилигининг сустхашлиги ҳоллари содир бўлмоқда.

Ҳозирги кунда маҳаллаларда ёшлар спортга кенг эътибор берилётганлиги диққатга молик. Бу ҳақда гап бор-

• ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ

Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла



қилган одам эса чинакам номига муносиб бўлиши керак. У ҳар қандай ўзбўларчилик, кибру-ҳаволик, мансаб-парастлик, келишувчанлик, ошна-огайнигарчилик иллатларидан холи бўлиши лозим. Энди ўйламай-нетмай ўз яқин кишисини кўтариш мақсадида «фалончи маҳаллага оқсоқол бўлсин» дейдиган вақт ўтди. Шу йил ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган ҳисобот-сайлов даврида етти ўлчаб, бир кесмоқ, факат муносибларнигина оқсоқолликка сайлаш керак.

Бугунги оқсоқолни кечегисидан фарқи бор, албатта. Бугун у якка-ёлғиз эмас, унинг ёнида ҳар ишга қодир бўлган фаоллари, ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раисаси, ёшлар масалалари бўйича ўринбосар, посбон сардори, педагог-тарбиячи, ҳисобчиси бор. Бир сўз билан айтганда, маҳаллада тизим шакланган. Ишлаш учун барча шарт-шароит етарли, фақат бу тизимни ишлатиш лозим, холос.

Бизда ҳар жиҳатдан ибратли маҳаллалар кўп. Масалан, улар жумладан Чоштепа, Юнусота, Дўстлик, Аҳмаджон Назаров, Хувайдо, Ойдин Собирова, 2-Чарх-Қамолон, Қумарик, Ҳабибий, Чигатой Охтепаси ва бошқа маҳаллаларни киритишимиз мумкин. Уларда маънавият ва маърифат, посбонлар билан ишлаш, иш билан бандлик, тўй-ҳашам, спорт ва

ганд Чилонзор, Юнусобод, Собир Раҳимов туманлари маҳаллаларида олиб борилаётган ишларни мисол тариқасида келтириш характерлидир. Бугунги кунда Чилонзор туманида 80 та спорт заллари, 3 та стадион, 5 та бассейн, 8 та теннис корти, 26 та футбол майдончалари мавжуд. Ушбу иншоотларда 20 фоиз аҳоли спорт билан шуғулланади. Юнусобод туманида эса 50 та спорт иншоотлари, 1 та стадион, 6 та бассейн, 4 та теннис мажмуаси, 4 та футбол майдончалари мавжуд бўлиб, уларда 66 мингдан зиёд аҳоли спортнинг турли турлари билан шуғулланади. Собир Раҳимов тумани мисолида ҳам шундай ибратли рақамлар кўзга ташланади. Шаҳримиздаги бошқа туманлар ҳам бундан ибрат олиб беиш юрган ёшларни турли салбий иллатлардан ҳимоя қилиш мақсадида уларни спортга кенг жалб қилиш, жойлардаги спорт майдончаларидан унумли фойдаланиш ҳамда бу борада қилинаётган ишлар қўламини янада кенгайтиришлари мақсадга мувофиқ.

Бир яхшининг бир ёмони деганларидек, юқорида номлари қайд этилган туманларда киноят содир этилиш ҳоллари ҳамон пасаймаётганини қайд этишга тўғри келади. Масалан, сўнгги уч ой ичида Чилонзор туманида 634 та киноят содир этилишини нима билан изоҳлаш мумкин? Юнусобод туманида эса ўтган йили 2001

йилга нисбатан вояга етмаганлар томонидан содир этилган киноятлар 26 фоизга, ўғирлик 20 фоизга, гиёвандлар сони 73,1 фоизга ошган. Ташвишли бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин...

Бектемир туманида иш билан банд бўлмаган аҳоли сони 2001 тани ташкил этади. Туманда аҳолини фойдала меҳнатга жалб қилиш ишлари талаб даражасида деб бўлмайди. Ҳозирда ишсизларнинг 70 фоизи ўзларига лозим бўлган меҳнат жойларини топпмай юришибди. Уларни иш билан таъминлаш масаласи эса эътибордан четда қолмоқда.

Маҳалла иши бутун жамоатчилик ишидир. Шундай экан, барча муаммоларни жамоатчилик кучи билан бартараф этиш керак. Айниқча маданий ва маърифий, киноятчиликка қарши кураш, ёшлар тарбияси, аҳолини фойдала меҳнатга жалб этиш каби масалалар кўпчилигининг кучи билан ечиладиган муаммолардир.

Миробод туманида маҳалла оқсоқоллари фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг сафини ҳақиқий фидойи, меҳнатсевар, ҳалол инсонлар билан тўлдирish юзасидан амалий ишлар олиб борилаётганини кўришимиз мумкин. Лекин ана шундай ижобий ишлар билан бир қатарда бу ерда ҳам баъзи камчиликлар учраб туради. Хусусан, шу кунгача 10 та маҳаллага посбонлар сардори тайинланмаган. Бундай ҳол туман ҳокимияти, ички ишлар бошқармаси ва «Маҳалла» жағармаси, қолаверса маҳаллалар орасидаги ахборот алмашинуви ва ҳамкорлик йўқлигидан далолат беради. Маҳалла посбонлари сафини доворак, юрtingа садоқатли ёшлар билан кенгайтириб бориш, ўрнат бўладиган посбонларни рағбатлантириб туриш керак. Улар эса ўз навбатида маҳалла ҳаётида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлашда фаол бўлмоқликлари лозим.

Яна бир жиддий муаммолардан бири биз юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, тўй ва ҳашамлар масаласидир. Аслида тўй ва маъракалар халқимизни азалий удумлари бўлиб, улар қариндош-уруғ, қўни-қўшни, дўст-ёрларни бир-бирлари билан дийдорлаштирувчи, одамларни бири-бирига яқинлаштирувчи маросимлардир. Шунинг учун ҳам улар қадимдан миллий анъаналарга хос равишда ўтказиб келинган. Шундай экан бу қадриятларимизни оёқости қилиб, тўй ва маросимларни ўз билгимизча дабдабозлик билан ўтказишларга чек қўйиш керак.

Ҳар бир оқсоқол ўзига берилаётган масъулиятни эҳс этган ҳолда нафақат тўйлар ва маъракаларда иштирок этиши, балки маҳаллаларнинг озодлигига, ободончилигига қарашли ва бу борада биринчилардан бўлиб ўзи ибрат кўрсатмоғи лозим. Хусусан, шу ўринда дилимиздаги гапни айтганидан бўлсақ ҳар ойнак бир шанба кунисини маҳалланинг обод қилиш кунига айлантирилса нур эстига нур бўлур эди. Маҳалланинг озодлиги бир кунлик ёки бир ойллик иш эмас, у йил бўйи давом этадиган ишдир.

Гап айланиб яна маҳалла оқсоқолига келиб тақалади. Маҳалла оқсоқоллари ҳар жиҳатдан ўзлари раҳбарлик қилаётган ҳудудда истиқомат қилувчи фуқароларнинг онги, уларнинг маънавияти, ҳуқуқий билимларини ошириш, ҳуқуқимизни томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни инсонларга тўғри тушунириш, адашганларни тўғри йўлга йўналтира олиши керак. Қолаверса, уларнинг бутун фикри-зикрини ёшларни ўз ватани, ўз халқи билан фахрланиши, эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилиши, йимонли, инсофли, адолатли, ҳалол ва росттўй бўлишга қаратмоғи лозим.

Халқимиз «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деб бежиз айтмаган. Кундалик фаолиятда мана шу нақдга амал қилган ва уни кенг жамоатчилик фикрига сингдира олган оқсоқолгина элда обрў-эътибор топади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Шарқ дурдоналари



• Худбинлик ҳар бир гуноҳдан кўра оғирроқдир. Худбин киши ҳеч қачон улуглик даражасига етолмайди. Ойни қара — жамолини кўрсатур, икки ҳафта худбинлик қилгани учун чоҳга қулаб, кўринмай кетди.

Байт:
Илм қидирсанг улуг бўларсанг,
Хаёт фаровон, нурга тўларсан.

ХИКМАТ. Сен то қувватинг бор экан, доимо ростлик ва тўғрилик йўлини тут. Шунда сен саодат чаманидан муддао гулини терасан. Ҳўни қара, тўғри бўлгани учун юзи доим гулгун ва қипқизил. Камон эгри бўлгани учун ип билан боғланиб, банди қилинган.

ХИКОЯТ. Бир куни дарахт билан унинг сояси борасида баҳс пайдо бўлди. Дарахт сояга деди:

— Эй қора юзли соя, жигар бағри садпора, сен менинг борлигим учун борсан, мен тўфайли барҳайсан. Демак, шундай экан, манманлик қилишинг ва керилишинг нимаси?

Соя деди:

— Эй лақма, бемаъни сўзларни айтишдан бир дам тийил, шумингни йиғ ва мендан юз ўгира кўрма, ҳовлиқиб бўйинингни чўзмагинки, уни узиб олмасинлар. Мен доимо хокисор бўлиб, ерга ястанганим учун, кун тигидан одамларни озод қилиб, роҳат бағишлаганим учун обрўйим баланд. Катта ҳам, кичик ҳам менинг инсонпарварлигимдан баҳраманд бўлади. Бекарорлигингдан гоҳ яланғоч бўлиб олсанг, гоҳ яшил либос билан ўзингни безайсан.

Дарахт соянинг гапларини эшитиб, унга шундай жавоб берди:

— Эй соя, ҳаддингдан ошма, паст химмат кишилар каби лофкоф урма. Эшитмаганиман, кўршапалак офтоб билан ўчакишса, ўзини ҳалок қилади, шиша тош билан тўқнашса, ўзини синдиради.

Уларнинг баҳсини эшитиб турган булбул сояга хитоб қилиб деди:

— Эй соя, эй туз ҳақини билмаган ношукр, бу бемаъни сўзларни кўнглинг ойнасидан олиб ташла, кимки ўзи пойига теша урса, ўзи қулайди, сенинг ҳаётинг дарахтга боғлиқ.

• Ҳар бир нарсанинг калити бор. Жаннатнинг калити мискин фақирларни севишдир.

• Қураш тушиб йиқитган эмас, балки ғазоби келганда ўзини босиб олган одам кучлидир.

• Бойлик молу дунёнинг кўплиги билан эмас, балки нафснинг тўқлиги билан.

• Кимки қилмишига пушаймон бўлиб, узр сўраган одамни кечириб юборса, унинг хатоларини ҳам тангри қиёмат куни кечирур.

• Гийбат — юракнинг бедаво касали. У қалбимизни яралашдиган мудҳиш оғудир.

• Кишилар ҳаловатига гийбатчилик зарар келтирадиган бошқа иллат йўқдир, зеро, бу касалга учраганлар нафақат ўзларини қийнашади, балки ўзгалар қувончига ҳам раҳна соладилар.

Байт:
Биродар, ҳар кимки айласа
Гийбат, Лойикдир ундайга дейилса
Лаянат.
Бундайларнинг жойи
жаҳаннам бўлур,
Гийбатчига билсанг бу ҳам
кам бўлур.

Янги номлар

Жойлардаги ҳокимликлар ҳамда маҳалла йиғинлари таклифларини инобатга олиб, давлат тили ва топонимик объектларга исм бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи шаҳар комиссиясининг қарорига мувофиқ куйидаги кўчалар номлари ўзгартирилди:

Ҳозирги номи	Янги номи	Изоҳ
Юнусобод тумани		
Геологоразведка кўчаси	Oysha NURMUHAMEDOVA ko'chasi	Ойша Нурмухамедова (1913-1997). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор. Фишт терувчи сифатида Мустақиллик майдонидаги маъмурий бинолар, кўлаб турар-жойлар қурилишида фаол иштирок этган. Юнусобод туман ҳокимлиги ва «Шивли» маҳалласи таклифи.
Ҳамза тумани		
Ховос 2-тор кўчаси	To'xtanazir SHERMUHAMEDOV ko'chasi	Тўхтаназир Шермухамедов (1891-1991) таниқли тилшунос олим. «Ўзбек тили грамматикаси», «Ўқиш китоби», «Эски ўзбек ёзуви намуналари» каби ундан зиёда тилшуносликка оид дарслик ва қўлланмалар муаллифи. Ҳамза тумани ҳокимлиги ва Аҳмад Яссавий номидаги маҳалла таклифи.
Шайхонтоҳур тумани		
Композиторлар кўчаси	Sulton AKBARIY ko'chasi	Султон Акбарий (1923-1997) ўзбек адабиётининг таниқли намоёндаларидан бири. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. «Имомим, эътиқодим», «Шукрона», «Мехриғиё» каби 20 дан ортқ шеърый тўплам ва достонлар муаллифи. Қирғиз халқ эпоси «Манас» таржимони. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ва «Лабзак» маҳалласи таклифи.
Мирзо Улугбек тумани		
«Баҳор» маҳалласидаги номсиз янги кўча	UZUMZOR ko'chasi	Ушбу ҳудуд илгари узумзор бўлган. Мирзо Улугбек туман ҳокимлиги ва «Баҳор» маҳалласи таклифи.

• СПОРТ

Янги мавсум чизгилари

Янги футбол мавсумининг бошланшига ҳам оз қолди. 2003 йилда мамлакатимиз футболда қувончли воқеалар кутилмоқда — март ойида «Пахтакор» Тошкентда Осиё чемпионлиги лигасининг чорак финал учрашуларида иштирок этса, ёшлар терма жамоамиз илк бор жаҳон чемпионатида республикамиз шарофини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон футбол федерациясида спорт журналистлари иштирокатида ўтказилган матбуот анжумани ҳам ёш чарм усталаримизнинг жаҳон чемпионатида тайёргарлиги ва янги мавсум тақвими масалаларига бағишланди.

Дастлаб Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг бош мураббийси Виктор Борисов нуфузли халқаро мусобақага қўриллаётган тайёргарлик хусусида батафсил маълумот берди. Хусусан, жаҳон чемпионатида тайёргарлик доирасидаги дастлабки ўқув-машқ йиғинларини ёшларимиз Испанияда ўтказишди. Бу ерда учта ўртоқлик учрашуви ўтказилиб, 20 февралда Испания ёшлар термаси билан баҳс ташкил этилади. Афсуски, турли сабабларга кўра, терма жамоа таркибидеа Игнатий Нестеров, Тимур Ганиев, Александр Гейнрих, Илёс Зейтуллаев, Марат Бикмаев, Камолитдин Тожиев каби футболчиларда ўтказилди. Жаҳон чемпионатида термаимиз Испания, Аргентина, Мали каби жуда кучли жамоалардан иборат «ўлим» гуруҳидан ўрин олган бўлса-да, мураббийларнинг Бикмаев, Саломов, Зейтуллаев, Аниқин, Крушельницкий, Кузубов, Гейнрих каби ўйинчилардан умидлари катта. Нестеров эса ҳам ёшлар, ҳам

миллий терма жамоанинг етакчисидир. Фақат ҳимоя чизигини янада мустаҳкамлашга тўғри келади. Энг муҳими, ўйинчиларнинг кайфияти яхши, «жанговар» руҳда чемпионатга тайёргарлик кўришмоқда.

Ўзбекистон футбол федерациясининг бўлим бошлиғи Алишер Никимбоев мамлакатимиз жамоаларининг янги мавсумга тайёргарлиги ва бу йилги тақвим хусусида тўхталиб ўтди.

Ҳозир деярли барча жамоалар Ўзбекистонда мавсумга тайёргарлик кўришмоқда. 10 мартга қадар жамоаларнинг таркиблари тасдиқланади. Ҳозирча эса фақат учта ўйинчиларнинг бир жамоадан иккинчисига ўтишига рўхсат берилган. Янги мавсум учун чемпионат нишонининг ундан ортқ нусхалари ишланган бўлиб, улар орасидан маъқул келадигани ҳам тез орада таллаб олинади.

Дастлаб давомидеа журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олишди.

Каратэчиларимиз нуфузи ошмоқда

Маълумки, каратэ юртимиздаги нисбатан ёш бўлса-да, жадал ривожланиб бораётган спорт турлари қаторига қиради. Фақат ўтган йили кўрсатилган натижаларга назар ташлар эканмиз, бунга ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

2002 йилда Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси хориждаги 50 дан ортқ нуфузли мусобақаларга расман таклиф этилди. Шунинг ўзи жаҳонда ўзбек каратэчиларининг мавқеи ва обрўси нақадар катталаридан далolat беради. Каратэ усталаримиз ўтган йили АҚШда ўтказилган Атланта Кубогида 6 та олтин, 4 тадан кумуш ва бронза, Швецаниянинг Еслос шаҳрида ташкил этилган Халқаро каратэ ассоциациясининг Жаҳон Кубоги баҳсларида 3 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза, Германиянинг Дрезден шаҳрида уюшти-

• САЛОМАТЛИК

Гулоб жуда қадим замонлардан бери Шарқ мамлакатлари табиатида кенг қўламда қўланиб келадиган гул асосли шифобахш омил ҳисобланади.

ЮРАК ДАРМОНСИЗЛИГИГА МАЛҲАМ

Гулоб атиргул гултожбарглиридан махсус усул ва қурилма воситасида олиннадиган хушбўй табиатли, муаттар сув, атиргул мойи. Гулоб тайёрлаш учун ҳали шудрингдан холи бўлмаган, субҳидамда териб олинган атиргул тожбарглири ҳароратга бардошли чинни, сопол, шиша коса ёки ҳароратга бардошли шиша идишга тўлдириб солинади-да, унинг устига найи (қамишдан ёки шишали) бор қопқоқ билан ёпилади. Шундан сўнг сувли қозонга идиш чўкмайдиган қилиб ўрнатилади. Гулбаргли идишдан чиққан найи улаштирилиб, қозондан ташқарида бўлган бирорта тоза идишга, гулоб йиғиштирилиши учун туташтирилади. Қозондаги сув суст қайнатилганда, идиш ичидаги гултожбарглирдан ажралиб чиқаётган эфиройли буғ найи воситасида ўтиб, қабул қилувчи идиш муҳитида совиб, суяқликка айланади. Ажралаётган гул буғини осонлик билан суяқликка айланишини ошириш мақсадида найи, шунингдек, қабул қилувчи идиш совуқ сув билан намланган латта билан ўраб қўйилиши яхши натижа беради.

Одатда, гулоб қайта идишга солиниб «хайдалади», шу боисдан ҳам у турли оташли бўлиши мумкин. Мабодо, гулоб икки бор хайдаланган бўлса «икки оташли» дейилади. Гулоб уч, тўрт оташли бўлиши ҳам мумкин. Гулобнинг қанчалик оташли кўп бўлса, унинг сифат даражаси ҳамда шифобахшлиги юқори ҳисобланади. Бир вақтлар атиргул мойи тўрт оташли гулоб махсули бўлган.

Гулоб шифофас (бронхиал астма), юрак дармонсизлигига малҳам бўлувчи шифобахш омил, хуштабиатли ичимлик ҳисобланади, у зотилжам ва ўпка яллиғланишига ижобий таъсир кўрсатади. Гулоб истеъмол этилганда баъзида кишидан анқиб турадиган ноҳуш хидлардан холи бўлинади. Атиргул гулоби салқин жойларда, яхши тиникли идишларда сақланади.

рилан «Kobe Osaka international» жаҳон Кубоги баҳсларида 1 та олтин, 4 та бронза, Кореянинг Пусан шаҳридаги Осиё ўйинларида 2 та кумуш, 1 та бронза, Венгриянинг Будапешт шаҳридаги халқаро турнирда 3 та олтин ва 4 та бронза нишонларини қўлга киритган ҳолда ўз маҳоратларини жаҳон майдонларида кўрсатди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам асосан, ўзбек каратэсининг муваффақияти сабаблари, терма жамоани шакллантириш тамойиллари, ўтган мавсум сарҳисоби ва жорий йилдаги режалар хусусида сўз борди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон каратэ миллий федерациясининг раҳбари Нурхон Нафасов республикамизда фалсафий негизларига эга бўлган каратэнинг йилдан йилга ривожланиб бораётганини таъкидлаган ҳолда ҳозир Ўзбекистонда 60 миңдан ортқ ёшлар спортнинг ушбу тури билан шуғулланаётгани, барча расмий мусобақаларда ўзбек каратэчилари кучли рақиб сифатида тан олинганини қайд этди.

Ҳозирги кунда ушбу шарқ яққа курашини янада оммалаштириш юзасидан кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, каратэ миллий федерацияси қошида ота-оналар билан ишлаш комиссияси тузилди, фаолият олиб бормоқда. «Каратэ менинг ҳаётим» фильми ишланди. Ҳозирча эса қўлланма сифатида «Каратэ бу нима?» ҳамда бошқа кинотасмалар яратиб устида иш олиб борилмоқда.

Тадбирда иштирок этган энг умидли каратэчиларимиздан Отабек Қосимов ва Илхом Каримовлар 2003 йилга йўлжалланган режалари билан ўртоқлашди. Биз ушбу ёш иқтидорларимизга катталар ўртасидаги Осиё чемпионати ва ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида муваффақиятлар тилаймиз.

Энг муҳими, Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси раҳбари Нурхон Нафасов Евроосиё каратэ федерациясининг вице-президенти этиб сайланди. Бу ўзбек спортига жаҳон спорти аҳлининг юксак эътирофидир.

Даврон НУРМУҲАМЕДОВ

«02»: ҳодисалар

◆ Собир Раҳимов тумани ИИБ навбатчилик қисмига Хўжаев даҳасида жойлашган 2-уй яқинида босқинчилик жинояти содир этилганлиги тўғрисида хабар етказилди. Воқеа жойида зудлик билан ҳозир бўлган тезкор-тергов гуруҳи ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида, Уриқзор даҳасидаги Самарбону кўчасида истикомат қилувчи фуқаро Б. Каландаров бошқарувдаги «ВАЗ-2106» автомашинага ўтириб, бироз масофа юришган эса, ҳайдовчини кўрkitиб, унинг 150000 сўмда баҳоланадиган «Нокия» уяли телефони, 50000 сўмлик «Танк» автомагнитоласи ҳамда 20000 сўм пулларини тортиб олган босқинчилар қўлга олинди. Аниқланишича, улар Хўжаев даҳасида яшовчи, ҳар иккаласи ҳам ҳеч қаерда ишламайдиган М. Амиридин ва Р. Шокирлар экан.

◆ Баъзи нопок кимсалар билан даги кучларини ўзларининг мияларига ўрнашиб қолган қалтис режалари учун ишлатадилар. Ҳамза тумани, Лисунов мавзесида жойлашган «Бегмат» дискотека клубида Қоратош кўчасида истикомат қилувчи фуқаро С. Қудратованинг бўйнидаги тилла занжирини тортиб олиб, қочиб кетган «Галабанинг 40 йиллиги» мавзесида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Б. Соҳиб исми талончи ҳозирда милиция ходимлари томонидан қўлга олиниб, қилмишидан пушаймон бўлиб ўтирибди.

◆ Акмал Икромов тумани Ички ишлар бошқармаси ходимлари Чилонзор 24-мавзе, 53-уйнинг 17-қўнадонида истикомат қилувчи фуқаро Р. Айтиқиеваннинг уйдан «Киргизия» кир ювиш машинаси ва «Бирюса-2» музлатгичини ўғирлаб кетган шахсни аниқлаб, қўлга олдидлар. Эндиликда Бошқил мавзесида яшовчи, бирон жойда ишламайдиган, муқаддам судланиб чиққан Б. Фарруҳ исми шахс содир этган ушбу ноҳўя ҳаракати учун қонун олдига жавоб беради.

◆ Яққасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчасидаги «Гермес» хусусий қорхонасининг ҳечидан умумий баҳоси 1000000 сўм турадиган электр мосламаларини ўғирлаб кетатган кимсани шу ҳудудда хизмат олиб бораётган милиция ходимлари қўлга олишга муваффақ бўлдилар.

Аниқланишича, Глинка кўчасида яшовчи, аввал ҳам қонунбузарлиги учун жазони ўтаб чиққан бўлсада, аммо ханузгача ўзига тўғри йўлни танламаган П. Олег исми бу йигит — яна ўйламай босган қалтис қадами тўғайли жавоб беришга мажбур.

◆ Мирзо Улугбек тумани Чимкент йўли кўчасида истикомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган М. Пўлат ҳамда унинг шериги — Чилонзор 14-мавзесида яшовчи Р. Умидларга ўйлаб толган бир режалари омад олиб келмади. Маълум бўлишича улар Н. Макарованинг хонадонига кириб, унга тегишли 568000 сўмлик турли буюмларни ўғирлаган эканлар. Аммо, «бировнинг моли ўзгага буюрмас», деганларидек, ушбу «шоввоз»ларга қўлга киритган ўлжалари асло насиб этмади.

◆ Бектемир тумани ҳудудидаги «Шарк» блок постанда хизмат олиб бораётган милиция ходимлари Фаргона вилояти, Фаргона туманида истикомат қилувчи Ф. Дамин исми шахс бошқарувдаги «Газ-24» автоуловини тўхтадиб, текшириб кўрганларида, унинг юкхонасида 9,84 грамм героин моддаси борлиги аниқланди. Ҳозирда ушбу гиванд модданинг эгаси уни нима мақсадда ва қаерга олиб бораётганлиги тўғрисида тергов жараёнида тушунтириб бермоқда.

Самариддин ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази ноҳири.

КОРПОРАТИВ БОЗОРДА «ПАЛЛАДА-ВОСТОК»

Тошкентда «Паллада-Восток» шўъба қорхонаси (Россиянинг «Калина» концерни) корпоратив облигациялари чикарилишининг тақдироти ўтказилди. Облигацияларнинг умумий миқдори 600 миллион сўмни ташкил этади. Кимматли қозғаларнинг муомаладаги муддати икки йилни, йиллик устамаси 29 фоизни ташкил этади. Бош андеррайтер «Бизнес-банк» ҳисобланади.

Бош андеррайтер томонидан кимматли қозғаларнинг 100 фоиз қувватлиги кафолатлангани ва эмитентнинг молиявий ҳолатини ҳисобга олса, облигациялар чикарилиши инвестициялашнинг қулай йўлидир.

— «Паллада-Восток» айланма маблағларини тўлдириш мақсадида ўз корпоратив облигацияларини чикарди, — деди қорхона молиявий директори Сергей Баранов тақдимотда сўзга чиқиб. — Қорхона 1999 йилда Россиядаги етакчи парфюмерия-косметика товарлари ишлаб чикарувчи «Калина» концерни томонидан ишга туширилди. У асосан ўзбекистонлик

истеъмолчилар учун арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чикаришига мўлжалланган. Булар хусусан «Йодбар», «Дентамед» тиш пасталари ва терини парваришлашда қўлланиладиган «Султана» воситаси ҳамда бошқа маҳсулотлар ҳисобланади. Қорхона ўзбекистон ички бозорида ва экспорт имкониятларини ҳисобга олганда яхши истиқболга эга.

Шуни таъкидлаш жоизки, маҳсулотларимиз кўшни давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон ҳамда ўз харидорларини топаётди. Шунингдек, мазкур маҳсулотлар Россия ва Грузияга ҳам жўнатилмоқда.

— «Паллада-Восток» ўз маҳсулотларини яқинда экспортга чикара бошлади. Шунга қарамасдан 2001 йил охирига келиб, ойига 10 миң долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Республика ички бозорида эса, 400-500 миллион сўмлик маҳсулот сотилмоқда.

С. Барановнинг айтишича, корпоратив облигацияларни муомалага чикариш ишлаб чикаришни ривожлантиришга маблағларни жалб этиш демакдир. Қорхона ҳар бири 10 миң сўм қийматига эга бўлган 60 миң дона облигацияларни савдога чикарди.

«Туркистон-пресс»



Шаҳримиздаги республика илмий онкология марказида халқимиз саломатлигини тиклаш йўлида жонқуярлик билан меҳнат қилаётган қўли енгил шифокорлардан кўпчилик мамнун бўлмоқда.

СУРАТДА: олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Мунаввар Махмудова ҳамшира Марҳабо Холова билан биргаликда беморнинг рентген суратини кўздан кечиришмоқда.

Атиргул кенг тарқалган, манзара кашф этувчи маданий ўсимлик бўлиб, у қарийб барча қитъа ва мамлакатларда етиштирилади.

Атиргул мойи таркибида фенилэтил спирти, гераниол, нерол, цитронел, эвгенол, линоол ва мураккаб эфирлар мавжуд. Атиргул мойи кимматбаҳо ва ноёб ҳисобланади. Сабаби, 1 кг атиргул мойи олиш учун 3 миллиондан ортиқ гул япроғи бўлиши лозим.

Атиргул, шу жумладан, атиргул мойи жуда қадим замонлардан бери шифобахш манба сифатида қадрланиб келинган. Ўз вақтида атиргул мойининг шифобахш хусусиятларини Герадот, Жолинус ҳаким (Гален), Абу Али ибн Синолар томонидан таъриф этилган эди. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобининг иккинчи жилдида атиргул тўғрисида шундай ибора бор: атиргул гулбарглари қайнатиб, сикмай шишларга боғланса, уларни қайтарди, тузалишига ёрдам беради. Атиргул ва узум шарбати қайнатилиб суртилса, милкларни мустаҳкамлайди, қулоқ оғриғига шифо бўлади. Асал билан тайёрланган гул мураббоси меъдани сусайтирмайди, жигарга ором, бағишлайди, овқатни ҳазм бўлишига ёрдам беради.

Атиргул Шарқ халқлари тиббиётида қадимдан кенг миқёсда қўлланилиб келинган. Бу ўсимликнинг гулбарғларидан гулқанд, гулоб, гули мураббо тайёрланган (булар хусусида атрофлича танишамиз).

Дурдона тиббий китоблардан бўлмиш «Мазан-ул-Адвия» («Даволар хазинаси»)да баён этилишича, катта муаттар хидли, ёрқин-қизил атиргул энг яхши ҳисобланади. Даволаш мақсадида атиргулнинг ҳали очилмаган гунчаси ёхуд етарлича очилиб намоён бўлмаган гунчаси олинади.

Атиргул кучни мустаҳкамлайди, кишига яхши кайфият беради, аъзоларни тозалайди, ички латифлаштириш хусусиятига эга. Сархил атиргулнинг гулбарғларидан 20 диграҳ миқдорига истеъмол этилганда одамга сурги сифатида таъсир кўрсатади. Бошининг изтиробли оғриғида, манглай ҳамда бошга атиргул гулбарғлари сархиллигида қўйилса,

ортиқча иссиқликдан келиб чикадиган бу дардга малҳам бўлади. Тиш милкларининг мустаҳкам бўлиши учун атиргул баргларидан тайёрланган қайнатма билан оғиз чайилади. Атиргул гулбарғларини қуритиб, қукуни тишларга суртилса ёки сархил гулбарғлар билан артилса, оғиз бўшлиғидаги тошмалардан холи қилади. Атиргулнинг хидларидан баҳраманд бўлинса, юрак ҳамда миёга ижобий таъсир кўрсатади, уни мустаҳкамлайди.

Атиргул гулбарғлари истеъмол қилинади-ган бўлса, юракка куч бағишлайди, ўпка, меъда, жигар, буйрак ва ичакларни, шунингдек бачадон ҳамда йўғон ичакларни мустаҳкамлайди, қон қусишдан холи қилади. Агар атиргул гулгунчалари тожбарғларидан

сархил ҳолда 10 дирхам истеъмол этилса, ички сурхи хусусиятига эга. Атиргул гулбарғлари эзилган сувдан ёхуд гулбарғ асосли қайнатмадан ичиладиган бўлса, у ҳолда юрак ҳариклишига хотима беради. Мабодо 3 дирхам миқдорига гулбарғлардан истеъмол этилса, қизиб кетишдан сақлайди (4 кунлик безгак асоратида).

Атиргул гултожбарғлари қуритилиб, қукун ҳолида сепиладиган бўлса, у ҳолда бадандаги тошмаларни тузалишига ёрдам беради, яраларнинг эт олишини тезлаштиради.

Мабодо тери орасига қандайдир ёт нарса кириб қолган бўлса, жумладан ўткир зарра, тикан тикилган бўлса, у ҳолда атиргулнинг янги гултожбарғлари қўйилса, шунда озор толган жой тезда тузалиб кетади.

Бадандан бадбўй ҳидни йўқотиш мақсадида ҳаммом қабул қилинаётганда атиргул гултожлари билан тана сатхи артилади.

Шу йилнинг 11-13 март кунлари Тошкент «Қурилиш, жиҳозлаш, ҳаво алмаштириш ва иситиш» — ЎзБилд—2003 тўртинчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади. Кўргазма ташкилотчилари ITE Group PLS Британия Кўргазма компанияси ҳамда унинг Ўзбекистондаги ҳамкори Itesa-Osiyo компанияси ҳисобланади.

«ЎЗБИЛД—2003» КЎРGAЗMАСИ

Ушбу кўргазма лойиҳасини Республика Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси қўллаб-қувватламоқда. Кўргазма қурилиш ва қурилиш материаллари, сантехника, керамика, ҳаво алмаштириш ҳамда алоҳида иситиш тизимлари, электротехника ва ёритиш бўлинмаларини иборат бўлиб, унда жаҳоннинг ўн та мамлакатидан 35 та компания қатнашади.

Россия, Польша, Украина, Қозоғистон давлатлари ва бошқа йирик компанияларда ишлаб чикарилган қурилиш маҳсулотлари харидорларимизга яхши таниш.

— Мазкур кўргазмада мамлакатимиз компанияларининг иштирок этиши ўзбекистонлик ишбилармонларга ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш имконини беради. Қолаверса, ўзимизда ишлаб чикарилган, импорт ўрнини босадиган қурилиш маҳсулотлари билан ички бозорларимизни тўлдиради, — деди Itesa-Osiyo компанияси менежери Нодира Аҳмадулова «Туркистон—пресс» муҳбирига. — ЎзБилд Ўзбекистонда қурилиш sanoatини ривожлантиришдаги ягона халқаро кўргазма ҳисобланади. У қурилиш маҳсулотлари ишлаб чикаришдаги жаҳон бозоридagi аёнча ва ангилликлар билан таништиради. Кўргазма дастуридан семинарлар ва компаниялар тақдиротларини ўтказиш ҳам ўрин олган. Унинг асосий мақсади, қурилиш соҳасидаги халқаро ва ҳудудий ҳамкорликни кенгайтириш, бозоримизни қурилиш жиҳозлари билан тўлдириш, халқаро инвестицион-қурилиш лойиҳаларини сотиш, кўнмас мулк ривожини учун инвестицияларни жалб қилишда тажриба алмашишдан иборат.

Ўйлаيمизки, мазкур кўргазма қурилиш соҳасида яратилган янгиликлар билан мутахассис ва харидорларни янада жалб қилиши шубҳасиз.

«Туркистон-пресс»

• БОЛАЛАР АДАБИЁТИ БУРЧАГИ

Хар қанча ардоқласам арзийди

Хурматли Ҳақим оға, сиз билан кўпинча сим орқали гаплашиб турганимдан мамнунман, бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўраб туриш ҳам фазилат бўлса керак.

Сизни мен бир устозим, оғам, маслаҳатчим деб севишман ҳамisha. Айниқса сизнинг болалар адабиётимизга қилган заҳматингизни юқори баҳолайман, ардоқлайман. Сиз ўзбек болалар прозасининг отахонларидан бирисиз чинданам. Ёзганларингиз фарзандларимизни тарбиялаб келмоқда ҳозир ҳам.

Сизнинг камтарлигингиздан, барчага тенг меҳрингиз борлигиндан ибрат ола арзийди. Сиз чинкакам шоғирлар эътиборидасиз, устоз Фафур Фуломлар,

Ойбеклар-у Абдулла Қаҳҳорлар кўнгли тушганлардансиз.

Сизнинг бирталай фазилаатларингиздан бирини кўп жойларда тарғиб қиламан, қайси бир ёзувчининг бирор асари чиқса, қолдирмай ўқиб ўз фикрингизни ўртоқлашасиз. Бу ҳусни одат раҳматли Раҳмат Файзидда ҳам мавжуд эди.

Муҳтарам Ҳақим оға, сиз ҳам, мен ҳам болалар адабиётимиз ютуқларидан суюнагимиз, камчиликларидан тепна-тенг куюнагимиз.

Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирда болаларимиз китобни кам ўқиймоқда... Бунинг сабаблари кўпга ўхшайди ўйласан. Лекин нима бўлса-да фарзандларимиз кўпроқ китоб ўқисалар,

деган умидданам сиз қатори.

Аммо ўқиб учун китобларимиз бор, очиги, кўплари кирилл ёзувида. Мактабларга учрашувга борганимда бу ҳоли кўп учратдим ўзим ҳам. Ниятим, Сиз-да шу ниятда бўлсангиз керакки, борларини янги лотин алифбосида нашр этингиз.

Дарсликлардан қатъи назар, лотинчада чиққан китоблар санокли, етарли эмас, албатта. Айниқса тарбия соҳасидаги мутасаддиларимизга меҳру гамхўрлик тилайман сиздайин.

Хурматли Ҳақим оға, сизни ҳар қанча ардоқласам арзигандан — арзийди, кетма-кет китобларингиз чиқишини истайман, саломатлик ва омад тилайман ҳамisha-ю ҳамрўз.

Болапарвар Ҳақим Назир, Ёздим сизга, мактов, ҳазил.

Энг аввало, минг эҳтиром, Бўлинг бардам, бўлинг соғлом, Ҳақим Назир.

Ёзвордингиз рўмол-рўмол Ҳам ҳикоя, қисса, роман, Ҳақим Назир.

Ёмонларга китобларда — Бергандаргиз роса таъзир, Ҳақим Назир.

Кўп ёшларга ёрдам учун Бўландирсиз хозир-нозир, Ҳақим Назир.

Китобингиз чиқишига Болажонлар кўп мунтазир, Ҳақим Назир.

Сизни энди кутар Тўқсон, Тўқсон юзга яқин манзил, Ҳақим Назир.

Орзуларга етиш учун Учраб турсин Сизга Ҳизр, Ҳақим Назир.

Ўзингизни уринтирмав, Бу ёёига бўлинг ҳанг.

Пўлат Мўмин ёзган шеъри Сизга тухфа, сизга назир, Ҳақим Назир.

Ҳасан-Ҳусан

Саодатхоннинг одати қизиқ. Ҳасан, Ҳусанлар боғчадан қайтишганда худди анчадан бери кўришмагандай кучоқлаб қарши олади.

Бугун уларни қарши оларкан, Ҳусанга каттиқ тикилиб қолди. Ҳасаннинг пешонаси кўкарган кўринди.

— Бу ерингга нима қилди, ўғлим? — деди кўкарган жойини бармоқлари билан аста силаб.

— Ҳеч нарса! — деди Ҳусан кўзларини жавдиратиб, лабларини чўчайтириб.

— Оғриятими?

— Йўқ!

— Сен айт-чи, Ҳасан, бунинг биттаси билан муштлашдими?

— А-а? — деб ўйланиб қолди Ҳасан. Кейин жавоб ўйлаб топди. — Кўчада қоқилиб йиқилганди...

— Шунақами?

— Ҳа, ҳа, — деди Ҳусан ҳам Ҳасаннинг сўзини тасдиқлаб.

Бўйлари бир қаричгина, шўх, ўйноқи болалар, онанинг хай-хайлашига қарамасдан худди гилдиракдай пилдиратган топқиллаб кўчага чиқиб кетишди.

Саодатхон тинчиёлмай қолди.

У эртаси эрталаб ўғиллари билан бошлашиб болалар боғчасига борди. Боғча опа билан кўриша солиб, Ҳусандан гап очди — унга нима бўлгани, пешонаси нега кўкарганини суриштирди.

— Нимадан бўларди, ҳаммаси пучқовийингизни шум-такалиги, ўйинкарлигиндан-да, — деди боғча опа ва кеча бўлаб ўтган воқеани сўзлаб берди. Болакайлар ҳовлида тўс-тўплон қилиб юришган экан. Ҳасаннинг кўзи ҳовли этагидида ўрик даракти тепасида шохдан-шоҳга сакраб юрган кўнга тушибди. Болалар уни тутиб олмакчи бўлишибди. Ҳасанбоғ ҳаммадан олдинга ўтиб, ўриқка тирмашибди. Сал кўтарилганда оёғи сирпаниб йиқилиб тушибди. Шунда пешонаси ерга урилиб сал гурра бўлти.

— Тўхтав, пешонаси гурра бўлган Ҳасанмас, Ҳусанку? — деди Саодатхон.

— Ҳа, Ҳусан бўлса Ҳусандир. Иккисиям худди куйиб куйгандай бир-бирига ўхшайди-да. Уларни бир-биридан ажратолмайси! — деб боғча опаси кулиб юборди.

— Биз Ҳусаннинг пешонасига дарров дори суриб бойлаб кўйдик-да, бирпас ўрнига ётқизмоқчи бўлсак, ҳеч ётмайман, дейди. Сал туриб кўрсак, у пешонасидида боғичини ечиб ташлабди-да, қаердандир бир сим қафас топиб келибди. Кўп ўтмасдан яна ҳовлида шовк-чир-сурон бошланиб қолди. Чиқиб қарасак, икки ўғил-чангиз қафасни кўтариб келишяпти. Қафас ичида олпоқ кўён ўйноқилаяпти. Қафас эшикчаси ўзи очилиб ёпилаганди экан. Ичига нон солиб, уни ўрик шохига иилиб кўйишди. Ўриқка яна ўйноқилаб чиққан кўён, нон ейман деб қафасга қамалиб қолди...

Саодатхон билан боғча опа болаларни кичкинтойлар дам оладиган хонадан топди. Кичкинтойлар қафасни қуршаб олишган, унга ҳар хил мевалар ташлашар, кўённинг меваларини олиб олиши, дикир-дикир сакрашини томоша қилишарди. Ҳасан билан Ҳусан эса уларни кўриб, наҳ ўзларидея йўқ кувончларди.

Боғча опа Саодатхоннинг елкасига қўл ташлаганча:

— Ўғилчаларингизнинг топагонлигини қаранг-а! Янги ўйноқ топиб, укаларини овутириб ўтиришганига қойилми! — деб мамнунлик билдирганди.

Саодатхон кифтини қисиб, қошини кериб:

— Наҳотки Ҳасан-Ҳусанлар қўлидан шу иш келса-я! — деди.

— Нега келмас экан. Ахир ўғилчаларингиз боғчамизнинг энг катта болалари. Ўёғини сўрасангиз, Ҳасан-Ҳусанга биз ҳам қаттиқ ўрганганмиз. Кичкинтойлар билан ҳар хил машғуллар ўтказишда шулар бизга ёрдамлашади. Ўйин-қулгиларни шулар бошлаб беришди-да. Ёшларим етмага акинлашди. Эрта-индин бо-



Ҳақим НАЗИР,
Ўзбекистон халқ
ёзувчиси.

Отахон ёзувчиси Ҳақим Назирнинг фарзандларини учун ёзган туркум ҳикоялари «Оқшом»нинг жажжи муштарылари учун эълон қилинмоқда.

лажонларингизни мактабга узатсак, анча соғинишиб қоладиганга ўхшаймиз.

Шундоқ ёнларида бу гапларни эшитиб турган Ҳасан тилга кириб:

— Биз ҳам сизларни соғинамиз, опажон. Олдингизга келиб турагимиз, — деганиди, Ҳусан ҳам бунга қўшилишиб, бош қимирлатиб қўйди.

Шошилинич хат

Хат ташувчи эшикда ўйнаб юрган Раённинг қўлига бир конверт тутиқиб кетди.

Раён ҳовликиб бўлиб чоқилмади:

— Хат, ойижон! Адамдан хат! — деб чиккирганча ошхонада турган ойисига конвертни узатди. Раённинг дадаси узоқ сафарда, уни кутиниётганди.

Лайлохон конвертни олиб, устидаги «Маҳмудова» деган ўз фамилиясини кўракан, қувониб кетди. Конвертни очмоқчи бўлганда кўзи уй номерига тушибди ошхонадан тўхтади. Номер бошқа. Ҳа, бу хат фамилияси бир бўлган кўшниси Қумри опага тегишли. Яна унда «Шошилинич» деган сўз ҳам бор эди. Бу сўз Лайлохонни ўйлатиб қўйди. Кўчанинг нариги бошида яшовчи Қумри опага хатни дарров етказиш керак. Шуни айтиб кўчага чикмоқчи бўлганда, Раён:

— Менга беринг, ойижон. Ўзим обориб бераман! — деб ойиси қўлидан конвертни олди-ю чоқиллаб кетди.

Раён шу кетганича узоқ қолиб кетди.

Лайлохон кута-кута тоқати тоқ бўлди. «Балки бу гўдагим Қумри опаникини билмаса қидириб юрибдимми?» деган хаёл билан кетидан югурди. У ерда Раён йўқ. Кўчанинг у ёқ-бу ёёига алангалаб-кўринмайди. «Шу кизчам ўзи бошқачароқ чикяпти-да. Эраққ-шоша. Ўйинкарроқ. Ерга урса кўкка салғинчи. Бирон ёққа боши оғиб, ўйнаб кетган бўлса-чи!» деб қаттиқ хавотирга берилди. Хали олти ёшга етмаган кизалоққа шу ишни ишонгани учун ўзини қойди.

Уйдан нариги кўчадаги милиция пунктига кўнжироқ қилди. Милициянинг саволига жавобан кизчасининг ёши, афти-башарасини, устидаги кийимларини айтиб берди.

Уйда ўтиролмасдан ўзиям ахтаришга тушди.

Кўчама-кўча сарсон бўлиб юрганда, бир тўй устидан чиқиб қолди. Ўша тўйхонадан Қумри опа билан Раён чиқиб келишяётган экан. Қумри опа ўзида йўқ хурсанд, Раённи ачомлаб олганича шошилиб келаятганди.

Раён ойисини кўра солиб, ҳарсиллаганча чийилдоқ товуши билан мактабига тушди. Айтишича, Қумри опани қидира-қидира нечтаям кўшнисикига кириб чиқибди. Бирлари уёқни кўрсатишибди, бирлари бўёқни. Хулласи юғра-юғра тўйхонадан топилгангиз жуда вақти чоғ.

Қумри опа эса бу шошилинич хат ўз вақтида қўлига етиб келганидан севинчи ичига сиғмас, Раённи чўлпиллатиб ўпарди.

— Хатни ўғлим армиядан ёзибди. Бир йилдан бери қаттиқ соғиниб юрибдим. Келмоқчи экан. Тезда пул юборинг дебди. Яхшиямки шу шакарингиз умри узоқ бўлгур, барака топгур мени қидириб вақтида топибди. Шундай чақон кизни тарбиялаган сизга раҳмат. Агар хат тўхтаб қолса-чи, у ёқда ўғилгинам маҳтал бўб қоларкан.

Қумри опа ҳозирроқ почтага чиқиб, ўғлига пул жўнартворишга шошилди...

Ким чаққон?

Раҳбар опоқим жуда серташвиш аёл-да. Ҳеч тинч ўтирмайди. Мактабдаги хизматини бажариб келгандан кейин ҳам то қош қорайгунча қўли ишдан тинмайди. Хордиқ куниям дам олиш қайда! Эртдан кечгача уй-жойни супуриб-сидириб саришта қилиш, кир-чир ювиш, дазмоллаш дейсизми. Ҳа, ҳовли чеккасидаги катакда чирқиллашган товуқ-жўналарга дон сочиш, тинмай маъровчи эчкини боқиб, соғиш-чи. Эҳ-е, тинмай юмуш билан тинкаси қўрийдди. Унинг иккита кизчаси бор: Лобар ўн бир ёшда, Дилбар саккиз ёшда. Онаси уларни ўқиларига қарашин деб ишга солмайди. Лобар онасига унча-мунча қарашасям, Дилбар қўлини совуқ сувга урмайди.

Навбатдаги хордиқ кун опоқини бир қариндоши тўйга айтганди. Ниолчоқ тўйга отланди. Бирров бориб келаман деб жўнади-ю аммо тўйда узоқ ўшланиб қолди. Уйда ишларим қалашиб қолди-да, деб наҳ еган-ичгани ичига тушмай, кечга томон уйга қайтди. Қарасани, уй ичлари-ю, ҳовли чиннидай қилиб супуриб-сидирилган. Газ ўчоқда эса шўрва қайнаб турган экан. Опоқи кўзларига ишонмади.

— Буларни ким қилди-а, қизим? — деди ажабланиб.

— Ўзим! — деди Лобар сузук кўзларини ўйнатиб, қошларини чимириб.

— Йўғ-е! — деди опоқи ишонмасдан. — Балки кенонинг чиқиб қилиб бергандир-а?

— Йўқ, ўзим қилдим!

— Ҳаммасиния?

— Ҳаммасини! — деди янаям фахрлиниб Лобар.

— Шунақами? — деб Дилбарга қаради Раҳбар опоқи.

Негадир Дилбар иккиланган турди-да, мунчоқ кўзларини пириллатиб, паст овозда:

— Ҳим... анака... — деб қўйди чайналиб.

Унинг бу қилиги ойисини ҳайратга солди. Ичида: «Балки Дилбар ҳам ёрдам бергандир» — деб ундан сўрамоқчи бўлиб турганди. Шу пайт қўшин хотин чиқиб қолди. «Яхши келдингизми?» деб сўрашганидан кейин, Раҳбар опоқиға кизларини мактай қетди:

— Кундузи денг сиззи бир кўрай деб чиксам, барака топгур кизалоқларингиз бирам чаққон ишга киришиб кетишибди денг, кўриб ҳавасларим келса-я. Уларнинг озодагарчилика берилгани, миришкорлигини худди ўзингизга ўхшатиш-да. «Ойингизни йўқлигини билдирмасдан, юмушларини енгиллатяйсизларми, қоқиндиқлар?! Яшанлар, онасига ёрдам берган кизлар кам бўлмайди, бахтли бўлади. Раҳмат сизларга!» дедим. Айланай опоқи, кизлардан ёлчибсиз, омадингиззи берсин илоҳим!..

Қўшин аёл бу гапларни айтarkan, Раҳбар опоқи кизларига маъноли разм солиб турди. Унинг кўзига Лобар хиёл ўнғайсизланаятгандай, Дилбар эса яйраб чирой оцаётгандай кўринди.

— Демак, — деди Раҳбар опоқи кўшнисига фахр билан боқиб, сўнг кизларининг елкаларига қоқиб, — опасингил бир-бирингга қарашиб, шунча ишларни бажарибсизлар-да, а? Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим, баракалла чаққон кизларим!..

«050»: кўтқарув хизмати хабарлари

Эшик очилди

Шаҳар Фавкулдда вазиятлар бошқармасининг тезкор нават-чисиغا Чилонзор тумани, 1-марказ, 62-уй, 10-хонадон эшиги қулфланиб, ичкарида газ плитаси ёқиқ қолганлиги ҳақида фуқаро Сафаровадан хабар тушди. Кўтқарувчилар томонидан хонадон эшиги очиб берилди ва ёнгининг олди олинди.

Лифтдан чиқарилди

Кўнғироқлардан бирида Сергели тумани, Кўйлик 5-мавзеси 46-уй, 2-кириш-чиқиш йўлагидagi лифт эшиги қулфланиб, ичкарида 4 киши қолиб кетганлиги ҳақида фуқаро А. Кимдан хабар тушди. «Кўтқарув хизмати» ходимлари томонидан лифт эшиги очиб берилди.

Воқеа жойидан яширинди

29 январь куни соат 23.00 ларда Юнусобод туманидаги Мирзааҳмедов кўчаси, 22-уй қаршида номаълум ҳайдовчи автоуловни бошқариб кетаётган пилдани уриб йурди. Натижада Чилонзор тумани, 19-уй, 42-хонадонда яшовчи 45 ёшли Республика радиоси ходими Виктор Рудаков воқеа жойида вафот этди. Номард ҳайдовчи жабрланувчига ёрдам бермасдан қочиб кетди. Жиноятчи қидирилмоқда.

Бахтсиз тасодиф

28 январь куни Чилонзор туманидаги С. Сегизбоев кўчасида асли Бўстонлик туманидан бўлган шаҳарга сўт-қатик сотишга келган 30-35 ёшли аёлни трамвай босиб ётган. Натижада аёл воқеа жойида ҳалок бўлган.

Бахтсиз ҳодиса тафсилотлари Юнусобод тумани ИИБ ходимлари томонидан суриштирилмоқда.

Дарахтга урилди

Чилонзор тумани Халқлар дўстлиги кўчасида «ЗА3» русумли автоулов кетаётган дарахтга урилди. Ҳайдовчининг эҳтиётсизлиги туфайли машина ичидаги 2 нафар киши жароҳат олишган. Кўтқарувчилар тезда жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиб, уларни касалхонага жўнатишди.

Ўткир САИДОВ,
Тошкент шаҳар Фавкулдда вазиятлар бошқармаси матбуот хизмати бўлими бошлиғи.

• ТУРФА ОЛАМ

САБР КОСАСИ ТЎЛГАЧ

Американинг Онтарио қўли яқинидаги Осунга шаҳарчасида яшовчи Эдна Кравен ажралиш учун судга ариза берди. Унинг аризасини диққат билан ўрганиб чиққан суд беканинг талабини инобатга олди.

«Нью-Йорк тайм» газетасининг ёзишича, ажралиш сабаби Жон Кравеннинг сув ўтказмас матолардан саёхлик ва балиқчилик учун махсус кийимлар тикиш билан шугулланган.

Ўз «санъат асарларини» биринчи синовчиси сифатида эса, у ҳаммаша қирқ йиллик оилавий ҳаётлари мобайнида хўнидан фойдаланиб келган. Жон сув ўтказмайдиган тунги кўйлак яратгандан сўнгра, Эднанинг сабр косаси тўлган. У хотинини туни билан ёмғирда ушлаб ўзи яратган ихтирони синовдан ўтказишга

мажбур этган. Фақат шундан сўнггина Эдна ариза билан судга мурожаат этган.

«ОЖИЗ ТАБИБ»

1874 йилнинг июль ойида фойтунда кетаётган Камбоджа қироли баногоҳ йиқилиб тушди. Хушсиз ётган қиролни ердан кўтариб олишга аёнлардан ҳеч ким ботина олмади. Лекин шу воқеанинг устига келиб қолган европалик бир ажнабий қобиргаси синган ҳукмдорни ердан кўтариб, авайлаб ўтқазди-да, саройга элитди. Саройда табиблар ҳам унга яқинлашишга юраги дов бермайти. Чунки ҳукмдорнинг муборак танасига бирон темир парчаси ёки буюм теккизиш ман этилган эди.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ МУЗЕЙИ

Яқинда Лос-Анжелесда Уэтсон Сен-

гури Лаза Отелъэнд-Тауэр меҳмонхонасида Американинг собиқ машҳур Президентларидан бири Рональд Рейганининг музейи очилди.

Рейганининг ўзи оғир хасталиги туфайли музейнинг очилиш маросимида иштирок эта олмади. Унинг ўрнига рафиқаси Нэнси Рейган таширф буюрди.

Собиқ Президент аълқимера касаллиги билан оғриганидан буён Нэнси нафақат унга қарайди, балки барча расмий ва норасмий маросимларда умр йўлдоши номидан иштирок ҳам этади.

Бу кичик ҳажмда очилган музейдан Рейган ҳаёти ва фаолиятига бағишланган турли фотолар ҳам ўрин олган. Шунингдек музейда собиқ Президентнинг болалик йиллари ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб суратлар ҳам муҳлисларда катта қизиқиш уйғотиши, табиий.

Оқнор ҲАЗРАТОВ тайёрлади.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪЛОНЛАР | ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪЛОНЛАР

Корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқаролар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорларига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қоидаларини бузиб ноқонуний равишда, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автомобилотранспорт воситаларининг кимосида савдосини ўтказилиши ҳақида

ЁЪЛОН ҚИЛАДИ

- Енгил автотранспорт воситалари:**
1. «Газ-2401» автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АI 523, бошланғич нархи 280.000 сўм, техник носоз.
 2. «Газ-31029» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 А 37-41 бошланғич нархи 2.800.000 сўм, техник носоз.
 3. «Фольксваген» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 R 08-45, бошланғич нархи 1.800.000 сўм, техник носоз.
 4. «Опель-Рекорд» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Н 16-72, бошланғич нархи 450.000 сўм, техник носоз.
 5. «ДЭУ-Нексия» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 R 49-99, бошланғич нархи 4.800.000 сўм, техник носоз.
 6. «ДЭУ-Тико» автомобили, бошланғич нархи 4.000.000 сўм, давлат рақами 10 О 89-73, техник носоз.
 7. «Ваз-212130» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган,

- бошланғич нархи 950.000 сўм, давлат рақами 30 А 95-03, техник носоз.
- Автобуслар:**
8. «Икарус-256» автобуси, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 К 23-72, бошланғич нархи 4.105.000 сўм, техник носоз.
 - Юк автомобиллари:**
 9. «Газ-5327» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 I 06-46, бошланғич нархи 1.000.000 сўм, техник носоз.
 10. «Газ-52» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Д 58-32, бошланғич нархи 500.000 сўм, техник носоз.
 11. «Камаз-53212» автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 P 16-34, бошланғич нархи 3.000.000 сўм, техник носоз.
 12. «МАЗ-35334» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 С 70-65, бошланғич нархи 1.000.000 сўм, техник носоз.

Кимосида савдоси (аукцион) 2003 йил 20 февраль куни соат 15.00 да Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади. Кимосида савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш соат 12.00 га қадар давом этади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.
Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.**

2003 йил 15 февральдан	«Ўздавцирк» республика бирлашмаси Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки	2003 йил 15 февральдан
Е	ЕВРО ЦИРК СУПЕР-ШОУ дастурини намойиш этади. Ўнда: Ҳаво гимнастлари Кучуқлар марафон Юмалоқ доирадаги эквилибрист Айиқлар дискотекаси «Лотос» балет ғуруҳи Йиғитлардек жасур маймулар Афсунгар ва сеҳрар одамхўр бўма илонлар «СЭМ» масҳарабозлар ғуруҳи Бенгал йўлбарси шунингдек: Валентин Анкуа машҳур мактабининг битирувчиси	Е
В		В
Р		Р
О		О
Ц		Ц
И		И
Р		Р
К		К

Томошалар: жума кунлари — 18.00 да; шанба ва яқшанба кунлари — 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.
Ҳақ турли шаклда тўлашиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9 дан ишлайди.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-94.

Мирзо Улуғбек тумани, Буюк-Ипак йўли 264-ўйда жойлашган Халқаро алоқалар ва телевидение ҳудудий бошқармаси МЛТЦ-1 номига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 31 декабрдаги 636 «Фойдаланиладиган ерларни ялпи рўйхатдан ўтказиш», ҳақидаги ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 1995 йил 27 январдаги 31-сонли қарорига асосан ер чегаралари ва майдони қайта кўриб чиқиб рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида берилган № 2975777509 рақамли кадастр хужжатларининг биринчи нусхалари йўқолганлиги сабабли оқорида кўрсатилган рақамдаги кадастр ва унга тегишли хужжатлар

БЕКОР ҚИЛИНДИ

2003 йил 20 февраль куни Тошкент вилояти Зангиота туман суди биносида автоуловлар кимосида савдоси ўтказилади.

Юнусобод туман 1-сонли давлат нотариал идора нотариуси З. Г. Черниговага берилган 000008 рақамли нотариал фаолият билан шугулланиши ҳуқуқини берувчи лицензия Адлия бошқармасининг буйруғига асосан

БЕКОР ҚИЛИНДИ

Тошкент Давлат иккинчи тиббий институтини ректорати ва жамоаси шу институтнинг ЛОР касалликлари кафедраси мудири, тиббий ёнларни доктори, профессор Абдумалик Маҳмудович Ҳакимовга онаси

Онажи ҲОЖИ онанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бюрогма Г-108.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибко, офсет усуллари
босилган.
7587 нусхада босилди. Қанот бичими А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.**
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида
10-қавати билан рўйхатта олнган

Нашринг етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент поштагити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақидаланди.

«Шарқ» нашринг-матбос акциядорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Тошпирилди 12.00 | 1 2 3 4 5 6